

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКБАРОВ АВЗАЛ НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТИШ ТЎЛИҚ МАВЖУД БЎЛМАГАНДА ТИШ-ЖАҒ ТИЗИМИДА
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ОРТОПЕДИК
СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21–Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Акбаров Авзал Нигматуллаевич

Тиш тўлиқ мавжуд бўлмаганда тиш-жағ тизимида клиник-функционал ўзгаришлар ва ортопедик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш 3

Акбаров Авзал Нигматуллаевич

Клинико-функциональные изменения в зубо-челюстной системе при полном отсутствии зубов, оптимизация ортопедической стоматологической помощи 29

Akbarov Avzal Nigmatullaevich

Клинико-функциональные изменения в зубо-челюстной системе при полном отсутствии зубов, оптимизация ортопедической стоматологической помощи 57

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 62

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКБАРОВ АВЗАЛ НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**ТИШ ТЎЛИҚ МАВЖУД БЎЛМАГАНДА ТИШ-ЖАҒ ТИЗИМИДА
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА ОРТОПЕДИК
СТОМАТОЛОГИК ЁРДАМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21–Стоматология

**ТИББИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib 140 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Ирсалиев Хусниддин Ибрагимович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Но Keun Kwon тиббиёт фанлари доктори, профессор Амануллаев Рустам Азимжонович тиббиёт фанлари доктори, профессор Гулямов Суръат Саидвалиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Брюсел очик Университети (Бельгия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: (+99871) 150-78-25; факс: (+99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел.: (+99871) 150-78-25; факс: (+99871) 150-78-25. Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ва РФ ФА академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Д.Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.П.Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «65 ёшли ва ундан катта бўлган одамларда тиш йўқотиш хавфи 30% дан 70% гача»¹ ташкил қилади. Яшаш шароити ва сифати яхшиланиши билан «бутун дунёда аҳоли ёшининг ортиб бориши кузатилмоқда, геронтология масалалари тиббий тоифадан миллий аҳамиятга эга бўлган муаммога ўтди»². Шу билан бирга, кекса ёшдаги кишилар орасида нафақат соматик патология, балки турли кўринишдаги тишлар адентияси ҳам купайиши кузатилмоқда. Шу ўринда «тишларини тўлиқ йўқотган (адентия) билан касалланган беморларнинг реабилитациясининг мураккаблиги ортопедик стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади»³. Буни бир қатор объектив ва субъектив сабабларидан бири – беморларнинг тикловчи ортопедик даволашнинг муайян мураккаблигидадир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва кексалар борасида кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада амалга оширилган чора тадбирлар натижасида жумладан кекса ёшдаги беморларга тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун, стоматологик ёрдам кўрсатишда сезиларли, юқори натижаларга эришилди⁴. Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган мақсадли чора тадбирларга қарамадан бугунги кунда жумладан стоматология соҳасида ўз ечимини кутяпган масалалар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексалар ва аҳолини бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш⁴ каби вазифалар белгилаб берилган. Бу борада тишларнинг тўлиқ адентияси билан мурожат қилган аҳолига ортопедик стоматологик парваришларни оптималлаштириш билан юз-жағ тизимидаги клиник ва функционал ўзгаришларни тиклаш каби тадбирларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жахон миқёсида стоматологияни ривожланиши, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш истагига боғлиқ. Тўлиқ олинадиган протезлардан фойдаланиш учун адентияни даволашда ножўя натижаларни камайтириш мақсадида хавф туғдирувчи омилларини ўрганиш муҳим вазифа ҳисоб-

¹ World Health Organization. Adentia: fact sheet no.18. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs42/eng>, accessed March 12.

² Krechina EK, Gvetadze RSh, Khar'kova AA, Petrenko AV. Microcirculation status in supporting tissues in cases of prosthetic treatment of mandible in patients with full secondary adentia with the use of implants. // Stomatologiya. 2010;89(5):63-5.

³ Kraveishvili S, Shonia N, Sakvarelidze Z, Sakvarelidze N. Prevalence and intensity of dentition defects and secondary deformations in the population of 15-40 age group. // Georgian Med News. 2014 Jul-Aug;(232-233):38-42.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегияси

ланади. Бугунги кунда тўлиқ адентияда жағдаги суяк атрофияси нуксонини йўқотиш мақсадида турли остеопластик усулларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб саналади. Шу жумладан, тўлиқ тиш протезлаш натижаларини яхшилаш мақсадида комплекс даволаш ва профилактика чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28-ноябрдаги ПҚ-1652–сон “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаш-тирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари республика фан ва технологияларининг ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Адентия билан касалланган беморларда олинадиган протезларни қўллаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Psychosomatic Dentistry Clinic, Dental Hospital, Tokyo Medical and Dental University (Tokyo, Japan); Universidade Federal de Minas Gerais - UFMG (Belo Horizonte, Brasil); Department of Dental Sciences, Vita Salute S. Raffaele University (Milan, Italy); Department of Periodontology and Oral Implantology, Dental Research Division, Guarulhos University (Guarulhos, Brazil); Department of Prosthodontics, Peking University School and Hospital of Stomatology & National Engineering Laboratory for Digital and Material Technology of Stomatology & Beijing Key Laboratory of Digital Stomatology (Beijing, China); Oral Medicine and Periodontology, Faculty of Dentistry, Mansoura University, (Mansoura, Egypt); Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги Марказий илмий-тегишириш институти (Москва Россия),

¹ Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Takenoshita M, Miura A, Shinohara Y, Mikuzuki R, Sugawara S, Tu TTH, Kawasaki K, Kyuragi T, Umezaki Y, Toyofuku A. Clinical features of atypical odontalgia; three cases and literature reviews // Biopsychosoc Med. 2017 Aug 3;11:21; Silva DNM, Couto EAB, Becker HMG, Bicalho MAC. Orofacial characteristics of functionally independent elders. // Cotas. 2017 Jul 20;29(4):e20160240; Gualini F, Salina S, Rigotti F, Mazzarini C, Longhin D, Grigoletto M, Trullenque-Eriksson A, Sbricoli L, Esposito M. Subcrestal placement of dental implants with an internal conical connection of 0.5 mm versus 1.5 mm: Outcome of a multicenter randomised controlled trial 1 year after loading. // Eur J Oral Implantol. 2017;10(1):73-82; Mangano C, Shibli JA, Pires JT, Luongo G, Piattelli A, Iezzi G. Early Bone Formation around Immediately Loaded Transitional Implants Inserted in the Human Posterior Maxilla: The Effects of Fixture Design and Surface. // Biomed Res Int. 2017;2017:4152506; Wang C, Jia XT, Hu WJ, Zhen M, Zhang H. Long-term treatment outcome and influencing factors of teeth receiving modified crown lengthening. // Zhonghua Kou Qiang Yi Xue Za Zhi. 2017 Mar 9;52(3):182-187; Elsyad MA, MahannaFF, Elshahat MA, Elshoukoui AHL. Locators versus magnetic attachment effect on peri-implant tissue health of immediate loaded two implants retaining a mandibular overdenture: a 1-year randomised trial. // J Oral Rehabil. 2016 Apr;43(4):297-305; Грачев Д.И. Повышение эффективности ортопедического лечения и качества жизни больных с полным отсутствием зубов на нижней челюсти // Стоматолог. 2011. № 3. С. 15-17;

Тошкент давлат стоматология институтларида (Тошкент, Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, адентия билан муружаат қилган беморларда комплекс олинадиган протезларини қўллаш натижаларини яхшилаш бўйича қатор илмий натижалар қўлга киритилди: «кекса ёшдаги беморларда суяк тўқимаси нуқсон натижасида келиб чиққан пастки ва юқори жағдаги альвеолар ўсимта атрофиясини коррекция қилиш бўйича амалий стоматология ютуқлари етарли даражада эмас»¹ (Department of Post Graduation-Universidade do Sagrado Coracao (USC), Bauru Department of Oral Surgery, University Sao Leopoldo Mandic, Campinas, Brasil); “тўлиқ адентияда профилактиканинг патогенетик асосий ва ривожланаётган атрофиянинг метафилактикаси, жағларнинг остеопорози ва юз-жағ соҳасининг анатомио-топографик пропорцияларининг ўзгариши суяк тўқимасига тушаётган функционал зўриқиш хисобига юзага келиши исботланган»² (UOC Maxillofacial Surgery, Catholic University Medical School, Rome Maxillofacial Surgery Unit, Blocco Centrale, Orthognathic and Malformation Surgery, Casa di Cura Ospedaliera San Michele, Maddaloni, Italy); “Тишларни тўлиқ йўқотганда ёндош тўқималарга босимнинг бўлмаслиги натижасида функционал бузилишлар, юз скелети ва уни қопловчи юмшоқ тўқималарнинг атрофияси зўрикади»³.

Хозирги вақтда дунёда олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тўлиқ адентияда олинадиган протезларнинг қўллашда клиник-лаборатор муолажаларни такомиллаштириш; касалликни даволашни альтернатив, юқори самарали ортопедик даволаш усулларини ишлаб чиқиш; жағ атрофиясини олдини олиш мақсадида суяк тўқимаси нуқсонини бартараф этишда турли остеопластик материаллардан фойдаланган ҳолда, янги услубларини ишлаб чиқиш; олинадиган тиш протезлашнинг қўллаш натижаларини яхшилаш мақсадида даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Аҳолига ортопедик ёрдам кўрсатишининг ривожланиши ва ютуқларига қарамадан, тўлиқ адентияли беморларни протезлаш ортопедик стоматологиянинг энг мураккаб масаласидир. Аҳолини стоматологик касалланиш даражасини тахлили натижасида, пенсия ёшидаги беморлар сони кўплиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич ҳар 5 йилда 4,4% орғиб бормоқда. Бу протезлаш заруриятининг 70% дан 100% гача орғишида ўз аксини топмоқда” (Takahashi T. Gonda T. Maeda E. ¹). Шу ўринда аҳолини кўп қисмида стоматологик соғлиқни тиклаш

¹ Dos Santos PL, Silva GH, Da Silva Pereira FR, da Silva RD, Campos ML, Mattos TB, Gulinelli JL. Zygomatic Implant Subjected to Immediate Loading for Atrophic Maxilla Rehabilitation. // J Craniofac Surg. 2016 Nov;27(8):e734-e737.

² Gasparini G1, Boniello R, Lafori A, De Angelis P, Del Deo V, Moro A, Saponaro G, Pelo S. Navigation System Approach in Zygomatic Implant Technique. // J Craniofac Surg. 2017 Jan;28(1):250-251.

³ Hegazy S, Elmekawy N, Emera RM. Peri-implant Outcomes with Laser vsNanosurface Treatment of Early Loaded Implant-Retaining Mandibular Overdentures. // Int J Oral Maxillofac Implants. 2016 Mar-Apr;31(2):424-30.

долзарблиги намоён бўлмоқда. “Бунинг асосий таркиби ёши улуғларда ортопедик стоматологик ёрдам кўрсаткичларини яхшилашдир. Тадқиқотчиларнинг ушбу муаммога бўлган қизиқиши ҳам шундан” (Heuberger S, Ulm C, et al.²). Aghaloo TL³ И Zhang Q² фикрига кўра “тўлиқ тишсизлик юз-жағ тизимининг морфо-функционал ўзгаришига, шунингдек беморларнинг ижтимоий дезадаптациясига олиб келади”.

Адабиётларни тахлили шуни кўрсатди: “тайёрланган олинадиган протезларнинг 25%ини тўлиқ олинадиган протезлар ташкил қилади. Бу адентия билан мурожат қилган беморларнинг протез сифатидан коникмаслиги натижасида бир неча бор мурожат қилишига олиб келмоқда” (Ciavarella D.⁵, Hantash R. O.³). Laleman I.C. фикрига кўра “қоникарсиз протезлашнинг асосий сабаби тўлиқ олинадиган протезларда сунъий тишлар қаторини тузилишининг сифатидир”⁴. Бу даврни чайнаш, нутқ ва ташқи кўринишни тикланиши билан тўғридан тўғри алоқа мавжудлиги эътироф этилган. Тўлиқ олинадиган протезларни турғунлигини таъминлаш мақсадида жағда протезларни фиксациясини максимал даражада таъминлаш ва тиш артикуляцияси учун керакли шароитларни яратиш лозим. Тишнинг вертикал ўқини альвеоляр ўсимтага нисбатан жойлашиши ва чайнаш юзасининг альвеоляр ўсимта чўққисига яқинлиги тўлиқ олинадиган тиш протезларининг мустаҳкам фиксациясини таъминлайди” (Rosenbaum N⁵).

Негазы S.⁶ бошчилигидаги тадқиқотчилар фикрича “турли окклюзияларда сунъий тишлар қаторининг реконструкцияси чайнов босимини таянч тўқималарида тарқалишига тўғридан тўғри таъсир қилади. Бунда тўлиқ олинадиган протезнинг протез базисини шиллик қават ва протез кўйиладиган жойга тўғри келиши ва шиллик қаватнинг ҳаракатчанлиги ҳисобга олинган. Альвеоляр ўсимтанинг минимал атрофияси тўлиқ адентияли, тўлиқ олинадиган протезли беморларда, альвеоляр тожига нисбатан ўлчанади”.

Илмий адабиётлар ва тадқиқотлар тахлилига таяниб айтиш мумкинки, адентия билан касалланган беморларни даволаши ва ташхислаш сифати

¹ Takahashi T, Gonda T, Maeda Y. Effects of Reinforcement on Denture Strain in Maxillary Implant Overdentures: An In Vitro Study Under Various Implant Configurations. // Int J Oral Maxillofac Implants. 2016 Nov/Dec;31(6):e162-e167.

² Heuberger S, Ulm C, Zauza K, Zechner W, Watzek G, Dvorak G. Effectiveness of subperiosteal bone anchor (Onplant) placement in the anterior highly atrophic maxilla for cross-arch prosthetic rehabilitation: Results from a pilot study. // Eur J Oral Implantol. 2016;9(3):291-297.

³ Aghaloo TL, Misch C, Lin GH, IaconoVJ, Wang HL. Bone Augmentation of the Edentulous Maxilla for Implant Placement: A Systematic Review. // Int J Oral Maxillofac Implants. 2016;31 Suppl:s19-30.

⁴ Zhang Q, Zhang LL, Yang Y, Lin YZ, Miron RJ, Zhang YF. Improvement of Implant Placement after Bone Augmentation of Severely Resorbed Maxillary Sinuses with 'Tent-Pole' Grafting Technique in Combination with rhBMP-2. // Chin J Dent Res. 2017;20(1):9-17.

⁵ Ciavarella, D. Clinical and computerized evaluation in study of temporo-mandibular joint intracapsular disease/ D. Ciavarella, M. Mastrovincenzo, A. Sabatucci et al. //Minerva Stomatol. - 2010. - Vol.59, №3. - P.89-101

⁶ Hantash, R.O. Relationship between impacts of complete denture treatment on daily living, satisfaction and personality profiles/ R.O. Hantash, M.K. AL-Omiri, M.A. Yunis et al. //J. Contemp. Dent. Pract. - 2011. - Vol.12. - P.200-207.

⁶Laleman I, Bernard L, Verbruyssen M, Jacobs R, Bornstein MM, Quirynen M. Guided Implant Surgery in the Edentulous Maxilla: A Systematic Review. // Int J Oral Maxillofac Implants. 2016;31 Suppl:s103-17.

⁶ Rosenbaum, N. Full-arch implant-retained prosthetics in general dental practice//Dent Update. - 2012. - №39(2). - P.108-110, 112, 114-116.

кўринарли даражада ошди. Тўлиқ адентияда жағ атрофиясини олдини олиш учун суяк тўқимаси нуқсонини йўқотиш усули ҳавфсиз ва самарали. Ҳамда даволаш ва ташхислаш давридаги оптимизация беморларда даво самарадорлиги натижаларини оширади. Бу ўз навбатида, мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш заруриятини кўрсатди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг И-2016-6-9-сонли “Суяк дефектини йўқотиш мақсадида биологик актив шиша ишлаб чиқиш” (2016-2017 йй.)¹ илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ёшдаги адентияли беморларда тўлиқ олинадиган протезлашни қўллаганда, функционал ва эстетик натижаларни яхшилаш мақсадида, комплекс диагностик ва оптимал даво-профилактика тактикасини ишлаб чиқишга дифференциал ёндашишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тўлиқ олинадиган протезларни қўллаш билан тўлиқ адентияни даволашдаги қониқарсиз натижаларни ривожланиш ҳавф омилларини ўрганиш;
даволаш натижаларини тўлиқ адентияли беморнинг ёшига боғлиқлигини аниқлаш;

тўлиқ адентияли беморларда ёшига боғлиқ ҳолда оғиз бўшлиғи микрофлоранинг ҳолати ва носпецифик химоя омиллари хусусиятларини ўрганиш;

тўлиқ адентияли беморларда чайнов аппаратини ҳолати хусусиятларини электромиографик текширишлар орқали аниқлаш;

тўлиқ адентияда жағ атрофияси ривожланишини олдини олиш мақсадида суяк тўқимаси нуқсонини “Биофаол шиша” остеопластик ашёдан фойдаланган ҳолда бартараф этиш усулини ишлаб чиқиш;

“Биофаол шиша” остеопластик ашёнинг биофаоллигини ва биомослигини тадқиқот давомида ўрганиш ва тавсия этилган услубни клиник самарадорлигини баҳолаш;

тўлиқ олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилаш мақсадида даволаш-профилактик тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш;

тўлиқ олинадиган тиш протезларига мослашиш давридаги асоратларни ва яқин натижаларни таққосий таҳлилини олиб бориш;

тўлиқ олинадиган протезлашнинг кечиктирилган даврини кечишига таклиф этилган даволаш-профилактик чораларини самарадорлигини қиёсий ўрганиш;

олинадиган протезли тўлиқ адентияли беморларда “ҳаёт сифати” ни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010–2017-йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси, кейинчалик Тошкент давлат стоматология

¹ Hegazy S, Elmekawy N, Emera RM. Peri-implant Outcomes with Laser vsNanosurface Treatment of Early Loaded Implant-Retaining Mandibular Overdentures.// Int J OralMaxillofacImplants. 2016 Mar-Apr;31(2):424-30.

институту ортопедик стоматология клиникасида тишларни тўлиқ адентияси билан даволанган 256 бемор ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети ишлаб чиқилган дифференциал даволаш-профилактика тактикасини қўллаш, тўлиқ остеопластик материаллардан фойдаланган ҳолда, тўлиқ адентияда жағ атрофияси олдини олиш учун суяк тўқима нуқсонини бартараф этиш усулини, микрофлоранинг ўзига ҳослигини ва тўлиқ адентияли беморлар оғиз бўшлигини носпецифик маҳаллий ҳимоя омиллари, ҳамда ўрганилган биоматериалларни биофаоллиги ва биомослашувини экспериментал-морфологик ўрганиш натижаларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник, инструментал (рентгенология, лаборатория, ортопантомография, жағ радиовизиографияси, соматоскопия), экспериментал, микробиологик, иммунологик ва статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тўлиқ адентияли беморларнинг ёшига боғлиқ ҳолда, тўлиқ олинадиган протезлашнинг клинικο – анатомик ва стоматоскопик омилларни қоникарсиз натижаларининг ривожланиш сабаблари аниқланган;

микрофлора таркиби ўзгаришларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари, тўлиқ адентияли беморларда оғиз бўшлиғи носпецифик ҳимоя омиллари кўрсаткичлари ва уларнинг турли ёшдаги гуруҳларда тўлиқ олинадиган протезларнинг яллиғли-деструктив асоратларни ривожланишига таъсири аниқланган;

тўлиқ адентияли беморларда ёшига боғлиқ ҳолда чайнов мусқўлларини функционал биоэлектрик фаоллик кўрсаткичлари ва комплекдаги уч шоҳли нерв тугунларини тери орқали электронейромиостимуляциясини самарадорлиги аниқланган;

тиш экстракциядан сўнг суяк нуқсони мукамал тикланиши ва репаратив жараёнларини яхшиланиши туфайли постэкстракцион атрофияни шаклланиши ва яллиғланиш ҳавфини камайтирадиган, Давлатимизда ишлаб чиқарилган - “Биофаол шиша” остеопластик ашёсидан фойдаланган ҳолда жағ атрофияси олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

тўлиқ олинадиган тиш протезларини қўллаш натижасини яхшилаш учун тўлиқ адентия вақтида оғиз бўшлиғида анатомик, функционал ва микробиоценоз бузилишини тузатиш учун кўп омилли даволаш-профилактика чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган;

“Эликсир А” антисептик эритмаси ва “ФарГАЛС” маҳаллий дори воситаси тўлиқ адентияли беморларнинг даволаш комплексига киритилган;

оғиз бўшлиғини ҳимоя қилувчи носпецифик омиллар ва микрофлора ўзгаришларини тўғирлаш усули ишлаб чиқилган;

ОНП-14 саволлар тўплами бўйича тўлиқ адентияли беморларни яхлит протезлашда ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашда қўлланган даволаш-профилактик комплекс ёндашувнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тўлиқ адентияда даволаш профилактика чора-тадбирлари кўламини ишлаб чиқишда ёрдам берган, тўлиқ протезлашнинг қониқарсиз натижаларининг ривожланиши омиллари аниқланди;

тўлиқ адентияли беморларнинг оғиз бўшлиғини носпецифик химоя омиллари кўрсаткичлари ва микрофлора таркибини ўрганиш туфайли сон ва сифат жиҳатидан микробиоценознинг ўзгаришининг ўзига хос хусусиятини муҳим аҳамияти исботланди ва тўлиқ олинадиган протезлашни тўғрилаш усулини танлаш оптималлаштирилди;

гипертонусни тўғрилаш учун уч шохли нервни тери орқали электронейромиостимуляцияни яхлит протез билан даволаш комплексини ишлаб чиқиш туфайли тўлиқ адентияда, чайнов мусқўлларини биоэлектрик активлигини ўрганилган;

илк бор, маҳаллий ишлаб чиқарилган “Биофаол шиша” остеопластик материалдан фойдаланган ҳолда тўлиқ адентияда жағ атрофиясини олдини олиш учун суяк тўқимасининг нуксонини йўқотиш ва тиш экстракциясидан сўнг атрофия ривожланишини профилактика қилиш усули ишлаб чиқилган;

илк бор, тўлиқ олинадиган тиш протези узоқ ва яқин натижасини яхшилаш, мослашув даврини қисқартириш ва тўлиқ адентияли беморларни ҳаёт сифатларини яхшилаш учун даволаш профилактик комплекси чора тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган клиник, микробиологик, иммунологик, инструментал, изланишнинг морфологик усулларига, беморлар сонининг етарлигига асосланган. Статистик қайта ишлаш натижаларининг ишонччилигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўлиқ адентияда олиб қўйиладиган протезлашда аниқланган клинικο-анатомик ва стомаскопик ҳавф омилларини қониқарсиз натижалари, микрофлора таркиби ва оғиз бўшлиғи носпецифик химоя омиллар кўрсаткичларини ўзгаришини, турли ёшдаги гуруҳларда яллиғланиш-диструктив ўзгаришлар ривожланишига таъсири, шунингдек даволаш-профилактика муолажалар спектрини такомиллаштириш, даволаш самарадорлигини яхшилаш ва беморлар ҳаёт сифатини оширишга ёрдам берди. Тиш тўқимаси нуксонини остеопластик ашё “Биофаол шиша” билан тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган услуб, тиш нуксонини тўлақонли қоплаш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўлиқ адентияда оғиз бўшлиғининг анатомик, функционал ва микробиоциноз бузилишларини коррекцияси бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар касаллик оғирлик даражасини дифференциал диагностикасини оптималлаштиришда, даволашни адекват усулларини танлашда, тўлиқ олинадиган тиш протезлашнинг сифатини ортишида, адаптация даврини қисқартиришида ҳамда илмий иш натижаларини таълим ва илмий фаолиятда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адентияли беморларда тўлик олинадиган протезлаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий изланиш натижаларига кўра:

тўлик адентияли беморларда тўлик протезлашнинг даволаш муолажалари комплексига киритилган маҳаллий воситаларни ўз ичига олган оғиз бўшлиғи микрофлораси ва носпецифик ҳимоя омиллари ўзгаришларини коррекцияси бўйича такомиллаштирилган услублар Тошкент давлат стоматология институти клиникасига ва ТДСИ стоматология ва юз жағ жаррохлиги илмий-амалий марказларга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 февралдаги 8н-д/13-сон маълумотномаси). Тавсия этилган даволаш-профилактика чора-тадбирлари анатомик функционал асоратларни тўлик адентияли 60 ёшдан катта бўлган беморлар гуруҳида 50% дан 19,2% гача қисқартиришига ва 60 ёшдан кичик бўлган беморлар гуруҳида 26,5%дан 9,5%гача қисқариш имкониятини берди;

тўлик адентияли беморларни комплекс даволаш бўйича чора-тадбирлар “Суяк нуқсонларини бартараф этиш учун биофаол шишани қўллаш” услубий тавсиянома кўринишида тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 февралдаги 8н-д/13-сонли маълумотномаси). Адентия билан касалланган беморларни даволашда тавсиф этилган алгоритм ва принципларга амал қилиш натижасида қониқарсиз натижалар 18,5% га камайтирилди;

тўлик тишсизликда тиш-жағ тизимида клинко-функционал ўзгаришларини аниқлаш ва ортопедик ёрдами такомиллаштириш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлашни амалий фаолиятига, жумладан Тошкент давлат стоматология институти клиникаси даволаш-консультатив фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 16 февралдаги 8н-д/13-сонли маълумотномаси). Тўлик адентияни даволашда таклиф этилган комплекс ёндашув тўлик олинадиган протезлашнинг яқин ва узоқ натижаларини яхшилар ва ҳаёт сифати жаражаси кўрсаткичини 80,9% дан 97,9% гача ортиш имкониятини берди.

Тадқиқот натижасини апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та журнал мақоласи, шундан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ишининг матнли ҳажми 200 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини апробацияси ва нашр этилганлиги, диссертацияда ҳажмли ҳамда қисқа тузилишда баён қилинган.

Диссертациянинг **“Ёшга боғлиқ ҳолда оғиз бўшлиғи аъзолари ва тўқималари ҳолати”** деб номланган бобида олти қисмдан иборат адабиётлар шарҳи келтирилган. Бунда ушбу патологияга оид охириги йиллар библиографияси ва энг сўнгги эришилган ютуқларни акс эттирувчи ташхислаш ва ортопедик стоматологиянинг маълумотларига асосланган таҳлиллари ифодаланган. Тишларни тўлиқ йўқотилиши ва уларни асоратларининг ижтимоий-тиббий тамойиллари, тўлиқ олинадиган протезлар билан протезлашни ташхислашни баҳолашнинг устувор усуллари, ортопедик стоматологияда тўлиқ тишсизликни тарихий ва замонавий тамойиллари, тўлиқ олинадиган протезлар билан протезлашдан кейинги асоратлар тамойиллари келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материали ва усуллари ифодаланган. Илмий иш 2010 йилдан 2017 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси кейинчалик Тошкент давлат стоматология институти ортопедик стоматология клиникасида даволанишда бўлган 256 нафар тўлиқ тишсиз беморларнинг кузатув натижаларига асосланган.

Беморлар ичида аёл жинслилари кўпчиликни 149 (58,2%), эркак жинслилари– 107 (41,8%)ни ташкил этди. Беморларнинг ёши 40 дан 90 гача ва ундан катталарни ўз ичига олди.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватини ОБШҚ ҳолатини баҳолаш мақсадида бажарилган тадқиқот турли ёшдаги беморлар гуруҳи оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ОБШҚ ва лаб ҳамда ундаги инвалютив жараёнларининг морфо-функционал ҳолатининг комплекс тасаввурини тузиш учун ўтказилди. Беморларни текшириш мобайнида: сўров, юз ҳамда оғиз бўшлиғи кўруви, стоматоскопик каби умумклиник усуллар қўлланилди. Сўров бошидан кечирган ва ёндош ҳамда берилган касалликни анамнези кўрсатиб ўтилган ҳолда ҳаёт анамнезидан бошланди. Асосий эътибор беморнинг шикоятларига, мурожаат сабаби, чайнов ва нутқ функциясини бузилиши, эстетикани бузилишларига қаратилди. Сўров мобайнида тишлар йўқотилишини сабаби ва муддати, қандай ва қанча давр давомида тиш протезларидан фойдаланилганлиги аниқланди. Тиш протезларидан фойдаланилганда уларни муддати ва гигиеник ҳолати аниқланди.

Оғиз бўшлиғини кўруви стандарт усулда жағларнинг жипслашган ҳолатида оғиз бўшлиғининг дахлизини ўрганишдан бошланди. Лаб, лунж ва милклар ўрганилгандан сўнг тишлов тури аниқланди. Пальпация нафақат оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқимаси ва регионар лимфатугунлар (ўлчамлари,

зичлиги, бирикканлиги, оғриқлилиги ва шишганлиги)ни сезиш балки уларни ҳолатини баҳолаш имконини берди. Стоматоскопик тадқиқотларни ўтказиш мақсадида ОМ – 178 операцион микроскопдан фойдаланилди. Микроскопнинг ушбу модели 4, 6, 10, 16 ва 25 марта катталаштириши шиллиқ каватни оддий кўз билан кўриш имкони бўлмаган патологик ўзгаришларни аниқлаш имконини берди.

Олинган натижалар статистик таҳлилга асосланган амалий дастурларни қўллаган ҳолда статистик ишловдан ўтказилди. Статистик аҳамиятга эга ўзгаришлар аниқлик даражаси $P < 0,05$ ни ташкил этди. Ушбу статистик таҳлилда клиник ва лаборатор тадқиқотлардан олинган кўрсаткичлар инобатга олинган.

Диссертациянинг “**Тишларни тўлиқ йўқотган беморларда тўлиқ олинадиган протезлар билан протезлаш натижаларининг омилли таҳлили**” деб номланган учинчи бобида қоникарсиз натижалар сабабларини баҳолаш асосида, тўлиқ олинадиган протезлар билан протезлаш натижаларини омилли таҳлили келтирилган.

Узоқ даврдан сўнг қайта протезлаш сабаблари бўлиб, протезларни салбий фиксация сабабли фойдалана олмаслик, пластмасса тишларини емирилиши туфайли чайнов самардорлигини ёмонлашуви, оғиз бўшлиғи ҳажмини камайишига олиб келувчи, юзнинг учдан бир пастки қисмини пасайиши, нутқ давомида тилнинг ноқулайлиги ва толиқиши, нутқни аниқлигини бузилиши, чакка пастки жағ бўғими соҳасида оғриқ, эстетикани бузилишлари ҳисобланади.

Жадвал 1

И.М.Оксман бўйича беморларни юқори ва пастки жағ атрофия даражаси бўйича тақсимланиши

И.М.Оксман бўйича жағ атрофияси	Юқори ва пастки жағ (n=115)							
	I даража		II даража		III даража		IV даража	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
40-59 ёш (n=11)	3	15,8%	9	47,4%	4	21,1%	3	15,8%
60-74 ёш (n=23)	3	7,0%	11	25,6%	16	37,2%	13	30,2%
75-89 ёш (n=20)	0	0,0%	5	13,5%	15	40,5%	17	45,9%
90 ёш ва ундан катталар (n=9)	0	0,0%	2	12,5%	5	31,3%	9	56,3%
Жами	6	5,2%	27	23,5%	40	34,8%	42	36,5%

Ушбу тадқиқотнинг асоси бўлиб тўлиқ олинадиган протезли тўлиқ тишсиз 115 бемор бўлган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида турли ёшдаги гуруҳлардаги беморлар жағларининг атрофия даражасини баҳолаш бўлган. (I-жадвал). Келтирилган маълумотларга асосланиб шунини кўриш мумкинки, жағлар атрофиясининг I тури 60 ёшгача бўлган гуруҳлардан кўра 75 ёшгача, бўлган гуруҳларда устунлик қилган. IV турдаги атрофия бошқа атрофия турларидан кўра кўпроқ 90 ёшдан ошган беморлар гуруҳида учради ва 57,1% ни ташкил қилган.

Атрофия даражаси ва ёши бўйича солиштиришма таҳлил шуни кўрсатдики, 60 ёшгача бўлган ва 60 ёшдан катта бўлган беморлар гуруҳида χ^2 мезони – 14,321; $df=4$; $P=0,006$ ташкил этган бўлиб, катта ёшдаги гуруҳда жағни атрофиясини ошиши, катта номуаносиблик билан альвеоляр ўсиқ ва альвеоляр дўнгликнинг атрофияси, қаттиқ танглай гумбазининг қалинлашиши ва альвеоляр ўсиқ чўққиси транспозицияси билан кузатилади.

Шунинг билан, адентияли беморларда тўлиқ протезлашни режалаштириш жараёнида пастки жағ атрофия даражаси асосий омил бўлиб ҳисобланади. Ўтказилган изланишлар шуни кўрсатдики, бемор ёшига қараб атрофия даражаси ортиб бориши натижасида, 60 ёшдан катта беморлар гуруҳида протезлаш натижалари салбий кўрсаткичларга олиб келди.

Сўнгра, анъанавий тўлиқ олинувчи протезлаш натижаларининг ретроспектив баҳоланиши бўйича текширувлар ўтказилди. Протезлаш натижаларини таҳлили жағ атрофияси турларига боғлиқ ҳолда яхши, қониқарли ва қониқарсизларга ажратилди. Шунда атрофиянинг биринчи даражасида протезлашнинг яхши натижаси 83,3%, қониқарли 16,7% ҳолатда кузатилиб, протезлашнинг қониқарсиз натижаси учрамади. Атрофиянинг тўртинчи даражасида қониқарсиз натижалар частотаси 28,6%ни ташкил этиб, коррекцияни талаб этмаган яхши натижаларнинг частотаси 40,5%ни ташкил этди. Умуман олганда, текширув гуруҳидаги анъанавий тўлиқ олинадиган протезлашнинг яхши натижалари 46,1%ни, қониқарлилари 34,8%ни ва қониқарсизлари 19,1%ни ташкил қилдилар.

Шундай қилиб, тишларни тўлиқ йўқотилганида жағ атрофиясининг жадалашуви 60 ёшдан катта бўлган беморларда кўпроқ намоён бўлиб, уларда И.М.Оксман бўйича III ва IV даражалари 78,1%га етади, бунда 60 ёшгача бўлган беморларда бу кўрсаткич 36,8дан ошмаган. Ўз навбатида I даражада тўлиқ олинадиган протезлаш 100% ижобий натижа билан тавсифланади, қолган ҳолларда қониқарсиз натижалар частотаси II даражада – 11,1%, III даражада – 17,5% ҳамда IV даражада – 28,6%ни ташкил қилди.

Ёши катта беморларда стоматологик касалликларнинг кечиш хусусияти касаллик кечишининг носпецифик кўринишида, ҳолатнинг кескин ёмонлашуви ҳамда унинг оқибатида зарурий реабилитация асоратларининг юқори кўрсаткичи билан намоён бўлади. Шу муносабат билан биз томондан анъанавий протезлашдан сўнг кузатиладиган асоратларнинг таҳлили ўтказилди. Беморларнинг тўлиқ олинадиган протезларга мослашувнинг бўлмаслиги 3,5% ҳолатда, юқори ва пастки жағлардаги тўлиқ олинадиган протезларга қониқарсиз стабилизация 9,6% ва 3,5% беморларда мос равишда, протез ўрнатилгандан сўнг оғриқ симптоми 8,7% беморларда кузатилди. Умуман текширилиувчи гуруҳда асоратлар частотаси 39,1%ни ташкил қилди.

Тўлиқ олинувчи протезлашнинг муҳим прогнозларидан бири бўлиб, тўлиқ олинадиган протезларнинг адаптация даври ҳисобланади. I – расмда кўрсатилганидек, 60 ёшдан катта бўлган беморларда адаптация даври ҳаққоний узоқ давом этиб, ўртача $46,8 \pm 2,9$ кунни ташкил қилган, 60 ёшгача бўлган беморлар эса протезларга $31,4 \pm 1,9$ кунда мослашганлар (T – мезон – 4,442; $P < 0,05$).

Бизнинг тадқиқотларимизнинг кейинги босқичи бўлиб, тўлиқ олинадиган протезлашдан сўнг беморлар ҳаёти сифатининг таҳлилини сўровномалар орқали ўрганиш бўлди. Ҳаёт сифатини кўрсаткичини аниқлаш махсуслаштирилган валидирланган «Стоматологик соғлиқни таъсир профили» ҳаёт сифати—ОНП–14 RU сўровномаси орқали амалга оширилди.

Ортопедик даволашнинг субъектив баҳосини олиш мақсадида сўровнома тўлиқ олинадиган протезлар билан фойдалангандан уч ойдан сўнг ўтказилди. 59–та сўровнома варақаси таҳлилдан ўтказилди. Ҳар бир савол тоифасида ҳар бир гуруҳ учун кўрсаткичларнинг ўртача катталиги белгиланган (2-жадвал). Ўтказилган тадқиқотларга асосан, 60 ёшдан катта бўлган беморлар кундалик ҳаётда ҳаққоний ($<0,05$) катта даражада, 60 ёшгача бўлган беморларга нисбатан қийинчиликлар ҳис этадилар, $24,6 \pm 0,8$ балл мос равишда $18,4 \pm 0,6$ баллга нисбатан. Овқатни чайнашда 60 ёшгача бўлган беморлар ($13,7 \pm 0,2$) 60 ёшдан катта бўлган беморларга ($18,1 \pm 0,3$) нисбатан камроқ ҳолларда ноқулайлик ҳис қилганлар. Беморларни сўзлашишини тавсифловчи саволлар рўйхатида олинган баллар индекси $11,5 \pm 0,3$ балл ва $15,5 \pm 0,5$ балл мос равишда ташкил этди.

2-жадвал

ОНП – 14 RU сўровномаси асосида ҳаёт сифати кўрсаткичларини ёшга нисбатан баҳоланиши

Саволлар гуруҳи	60 ёшгача (n=19)	60 ёшдан катта (n=40)	T-кўрсаткич	P
Кундалик ҳаёт	$18,4 \pm 0,6$	$24,6 \pm 0,8$	6,200	$<0,05$
Овқатни чайнаш	$13,7 \pm 0,2$	$18,1 \pm 0,3$	12,203	$<0,05$
Сўзлашиш хусусияти	$11,5 \pm 0,3$	$15,5 \pm 0,5$	6,860	$<0,05$
Баллар йиғиндиси	$42,5 \pm 0,4$	$56,0 \pm 0,7$	16,745	$<0,05$

Шундай қилиб, ўтказилган ҳаёт сифатини таҳлилига асосланган ҳолда, 40дан 59 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида ҳаёт сифатининг яхши кўраткичи 68,4% ҳолларда 5,3% қониқарсиз ҳолларга қарши таъкидланиб, ёши кекса (90 ёшдан катта) беморлар гуруҳида эса яхши натижалар частотаси уч ойдан сўнг атиги 25,0%ни, қониқарсиз эса – 31,3%ни ташкил этди.

Диссертациянинг тўртинчи боби протетик жаррохликнинг тўлиқ адентияда жағ нуқсонларини бартараф этишда суяк пластик ашёёни ишлаб чиқариш ва тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур ашёё, тўлиқ адентияда учрайдиган анатомик – топографик ўзгаришларни турли ҳилдаги ташҳис – даволаш алгоритмлари ёрдамида бартараф этиш орқали турли шаклдаги имплантатлар ишлатилишига қулай шароит яратишда имкон яратади.

Ўтказилган текширувлар ҳулосаси асосида, беморларда тиш катакчасининг регенератор жараёнлари “Биофаол шиша” остеопластик ашёёни тромбоцитларга бой плазма плазмаси билан бирга қўлланилганда энг яхши клиник натижа олинган.

Олинган тиш катакчасини остеопластик операциясида “Биофаол шиша” остеопластик ашъёни тромбоцитларга бой плазмаси билан комплекс тарзда қўлланилганда, регенерация ва етук суяк тўқимасига айланиши учун ўртача 1,5–3 ой лозим бўлади. Янги ҳосил бўлаётган суякнинг ўртача ўсиши ва зичлиги рентген визиография усули ва “Image – J” (Wayne Rasband, National Institute of health, USA) дастури ёрдамида олинган рентген тасвирлар орқали ёнидаги ва симметрик соҳаларга нисбатан аниқланди.

Замонавий маҳаллий остеопластик ашъёни қон аутоплазмаси билан биргаликда қўллашнинг комплекс ёндашуви, катакчанинг битиш муддатини 6–8 кунгача қисқартириш, олинган тиш катакчасида янги тўлақонли суяк структурасини шаклланиш даврида операциядан кейинги яллиғланиш асоратларини 100%гача олдини олишга имконият беради.

Диссертациянинг бешинчи “Ортопедик стоматологияда тўлиқ иккиламчи адентияли беморларни олиб бориш тактикасини стандарт-тизацияси” бобида, Тошкент давлат стоматология институти жаррохлик ва ортопедик стоматология кафедралари ва бўлимлари базаларида тўлиқ иккиламчи адентияли (тишларнинг тўлиқ йўқлиги, тишларнинг бахтсиз ҳодисалар, тишларни олиш ёки локал пародонтоз сабабли йўқотилганлиги) беморларни даволаш тажрибаси умумийлаштирилган.

Ўтказилган изланиш давомида иккиламчи тўлиқ адентияда, тишларнинг тўлиқ йўқлигида касалликни кечиш даражаларини ажратиш мумкин эмас деган умумий фикрларга зид равишда, анатомик – топографик тавсифномаларнинг интеграл баҳолаш мезонларини стандарттаризация қилиш характери бажарилди.

Бу мақсадда, бирламчи клиник мезонлар кўринишидан келиб чиқиб, визуал баҳолашнинг 7 мезони бўйича, интеграл баҳолаш кўрсаткичларини сонли ўлчаш мезонидан фойдаланган.

Анатомик – топографик тавсифномаларни интеграл баҳолаш мезонларини стандарттаризация қилиш бўйича ишлаб чиқилган кўрсаткични қўллаш натижалари, тўлиқ бирламчи адентияли беморларни клиник кўринишини ифодаланиши бўйича ажратиш имкониятини берди.

Тишларнинг тўлиқ йўқлигида даволаш – ташиш тактикасида электромиография ва миостимуляцияни қўллаш тадқиқотнинг кейинги босқичи бўлди. Бу тамойилда, чайнов мушаклари электромиографиясини оптимал баҳолаш мақсадида, тана оғирлиги индекси (ТОИ) ўзгаришларини тўғридан – тўғри корреляцияси ва ёш ўтган сари регрессияловчи паст физик фаоллик кўрсаткич маълумотларини (Kaug M., 2009) инобатга олиш лозим.

Адентия ва тўлиқ олинадиган тиш протезларида текширилаётган ТОИ, СХМИ ва ҚМК кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили натижасида статистик аҳамиятли фарқлик аниқланмади.

Ёш орган сари табиий тишларнинг йўқотилиши ва адентияда аниқланишича, электромиографик фаолликнинг ўртача кўрсаткичлари актив $m.masseter$ (-0,812; $P=0,111$) ва $m.temporalis$, актив (-2,693; $P=0,023$) ва пассив

(-2,064; P=0,027) мушак кискаришларида камайди, бунда ТОИ камайиши кузатилади.

Ўтказилган таҳлилда ёшни чайнаш хусусиятининг ёмонлашига тўғридан тўғри таъсирини аниқланди, бу эса электромиографик фаолликнинг пасайиши билан тасдиқланди. Ёш ортган сари тўлиқ иккиламчи адентияда чайнов мушаклар калинлигининг тинч ҳолатида прогрессив камайиши ва максимал сиқиш амплитудасининг пасайиши кузатилади.

Тўлиқ олинадиган тиш протезли беморларда функционал табиий тишли шахсларга нисбатан, чайнов пайтида мушакларнинг паст фаоллиги аниқланди.

Тўлиқ иккиламчи адентияли кекса беморларни комплекс даволашда чайнов мушакларининг контрактиллигини стимуляциясида териаро электронейростимуляцияни қўллаш самаралидир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида исботландики, иккиламчи адентияли беморларни текширувдан ўтказишни оптималлашган тизими ўз ичига текширувнинг субъектив ва объектив усуллар комплекси, ҳамда кўшимча электромиография (ЭМГ) ва лазерли доплер флоуметрия (ЛДФ) таҳлилларини ўз ичига олади.

Тўлиқ иккиламчи адентияда лазерли доплер флоуметрия услуги тўқимани кон билан перфузия катталигини ўлчаб, лазерли нурланиш билан зондланаётган тўқима ҳажмида эритроцитлар оқимини аниқлайди, микроциркуляция бузилишларини ташҳислаш ҳамда парадонт тўқимастаги дегенератив ва атрофик ўзгариш белгиларини дифференциялаш имкониятини беради.

Териаро электронейростимуляциянинг превентив сеанслари тўлиқ иккиламчи адентияли кекса беморларда лингвализирланган (тўғри) ва ясси окклюзияларни даволаш босқичларида комплекс даволашда султ чайнов мускулатуранинг контррактильнигини кучайишига, асаб–мушак импульсини ортишига ва шиллиқ қаватдаги атрофик жараёнларни регенерациясига кўмаклашади.

Диссертациянинг олтинчи «Ўрта ёшдаги, ёши катта ва кекса беморларда тўлиқ тиш йўқотилганда ортопедик даволаш самарадорлигини оширишда оғиз бўшлиғи носпецифик химоя факторлари ва микро-биоценознинг аҳамияти»га бағишланган бобида ўрта ёшдаги, ёши катта ва кекса беморларда тўлиқ тиш йўқотилганда ортопедик даволаш самарадорлигини оширишда оғиз бўшлиғи носпецифик химоя факторлари ва микробиоценознинг аҳамиятини ўрганиш натижалари келтирилган.

Биринчи босқич сифатида катта ёшдаги беморлар ажратиб олиниб, уларга тўлиқ олинадинан тиш протезлари билан иккала жағни протезлаш режалаштирилган. ТДСИда кўрик ва текширувлар натижасида протезланган беморларни БССТ классификациясига мос равишда 271 бемордан 4 – та ёш бўйича гуруҳлар шакиллантирилди:

I – гуруҳни ўрта ёшаги (40 ёшдан 59 ёшгача) 40 – та бемор;

II – гуруҳни ёши катта (60-74 ёш) 95 – та бемор;

III – гуруҳни кекса ёшаги (75-90 ёш) 82 – та бемор;

IV – гуруҳни узок умр кўрган (90 ёшдан катта) 39 – та бемор ташкил қилди.

Назорат гуруҳини оғиз бўшлиғида ортопедик касаллиги бўлмаган (20 ёшдан 39 ёшгача бўлган) 17 киши ташкил қилди.

Тўлиқ олинадиган протезлар билан беморларни протезлангандан сўнг шиллик қават вазифасини, яллиғланиш жараёнларини, маҳаллий иммунитет омилларини меъёрлаштириш, дисбиотик омилларни профилактикаси ва тиш протезларни янада тезроқ оғиз бўшлиғига мослаштириш мақсадида биз томондан олинадиган протезларни антисептик восита «Fargals» билан ишлов бериш самарали равишда асиномациядан ўтказилди.

Инфекцион агрессиянинг эрта босқичларида, адаптив иммунитет ҳали шакилланмаган вақтда, ҳимоя вазифаси носпецифик омилларга (фагоцитоз, лизоцим, секретор иммуноглобулинлар) таълуқли бўлади. Шу муносабат билан биз тишларни тўлиқ йўқотган ўрта ёшдаги, ёши катта ва кекса беморларда оғиз бўшлиғини шиллик қавати даражасида ҳимоя механизмларни комплекс тарзда ўргандик.

Клиник материалларни таҳлилида кўрсаткичлар меъёрдан фарқли беморларни ажратиб олиш зарурияти пайдо бўлади. Бизнинг ишда соғлом беморларда (назорат гуруҳи) аниқланган меъёр сифатида $M \pm 2\delta$ кўрсаткич чегараси белгиланди, чунки бу ораликда варицид қаторнинг 95% тури жойлашган. Пастда кўрсатиб ўтиладик, беморларда соғлом кишиларга нисбатан ФАН, ФЧ, лизоцим ва SigA кўрсаткичлари пасайган. Шунинг учун $M \pm 2\delta$ дан паст бўлган синамалар ижобий ҳисобланади.

Шундай қилиб, олинган натижалар кекса ёшдаги беморларда иккиламчи иммунитетни ривожланиши ҳақида далолат берувчи, оғиз бўшлиғида маҳаллий носпецифик резистентлик кўрсаткичларида катта ўзгаришлар аниқланди. Бу, беморларни ёш аспектига мос равишда, аралаш сўлақда ФАН, ФЧ, лизоцим ва SigA кўрсаткичларини пасайиши билан намоён бўлди, ҳамда беморларни ёши катта бўлишига нисбатан ҳаққоний пасайган.

Бу кўрсаткичларни бузилиш эҳтимоллиги бўлиб, кекса ёшдаги беморларни мослашув даврида протезларни ечгандан кейин оғиз бўшлиғи ҳолатини бузилиши ҳисобланади. Протез такқандандан сўнгги мослашув даврини оптимал кечиши мақсадида, кекса ёшдаги беморлар оғиз бўшлиғидаги маҳаллий иммунитетга таъсир қилувчи воситаларни қўллаш лозим.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ўрта ёшдаги, ёши катта, кекса ва узок умр кўрган беморлар орасида тишлар тўлиқ йўқотилганда оғиз бўшлиғи аралаш сўлаги микрофлораси ҳолати аниқланди. Тишларини тўлиқ йўқотган ўрта ёшдаги, ёши катта, кекса ва узок умр кўрган 256 беморнинг аралаш сўлаги микроб манзарасини тадқиқот натижалари, 20 дан 39 ёшгача бўлган 17 бемор сўлагининг микробиологик таркиби билан солиштирилган. Микдорий текширувнинг барча натижалари колония

ташкил қилувчи бирлик КОЕ/мл да акс эттирилди. У ёки бу штаммларни учраш частотаси умумий текширилаётган контингент миқдорига нисбатан %да кўрсатилди. Кўриқдан ўтказилган назорат гуруҳидаги беморларнинг сўлаги аэроб, облигатив анаэроб ва факультатив анаэроб сақлаган. Ҳар бир текширилувчида бактерияларнинг турли хил ассоциациялари (ўртача 6 ёки 8 турда) ажратиб олинди. Соғлом беморлар сўлагини жадвал ва диаграммаларидан акс этиши бўйича, тур таркиби бўйича аэроб ва факультатив флора (57,8%) устун бўлиб, облигатив – анаэроб бактериялар улуши 42,2% бўлган, миқдорий таркибда эса бу беморларда облигатив – анаэроб флора 69,5% вакиллари устун бўлиб, облигат – анаэроб бактериялар улуши эса 30,5%ни ташкил қилган, яъни бу кўрсаткичлар анаэроб флора кўрсаткичларига нисбатан 2,3 марта кам.

Шундай қилиб, тишларини тўлиқ йўқотган ўрта ёшдаги, ёши катта, кекса ва узоқ умр кўрган беморларни микробиологик текширганда катта дисбиотик ўзгаришлар аниқланди. Бу ўзгаришларнинг ўзига хослиги бўлиб, оғиз бўшлиғи сўлак микрофлорасининг ҳам сифатий, ҳам миқдорий диспропорцияси хисобланади. Бу индивидуал кўрсаткичлардаги аҳамиятли силжишлар организмнинг реактив хусусиятлари билан боғлиқ, уларнинг параметрларидан бири бўлиб эса ёш хисобланади. Ёш динамикаси турли хил таъсирларга нисбатан, шу жумладан микробли коолонизацияга бир хил эмас, лекин у ёшлик ва улғайиш даврида юқори бўлиб, организмни қариши даражаси қараб пасаяди. Барча ёшдаги гуруҳ беморларида доимий облигат микрофлорасининг пасайиш фонида, тишларини тўлиқ йўқотган ўрта ёшдаги, ёши катта, кекса ва узоқ умр кўрган беморлар оғиз бўшлиғи аралаш сўлагига патоген ва шартли патоген микрофлорани учраш частотаси кескин ортган.

Биз томондан аралаш сўлак микрофлорасининг турли структурасини ўзгариш қонуниятини тўғрисидаги маълумотлар “соғлом” ёши катта инсонларда *Peptostreptococcus* ssp., *Veillonellasp.*, *Lactobacillus*ssp., *Str.solivaris.*, *Str.mitis.*, *Str.mutans* ва дифтероидлар (авт) кўпроқ учраб, транзитор микроорганизмлар эса камроқ учраши, адабиёт маълумотлари билан мос келади.

Келтирилган маълумотларга асосан, кекса беморлар оғиз бўшлиғида яллиғланиш жараёнлари ўзининг ва бегона микрофлора орасидаги нормал баланс бузилганда вужудга келади. Шунинг учун, антибактериал компонентли гигиена воситалари олинадиган протезларга адаптациясида, яъни организмларни ҳаётининг даври давомида микроорганизмларни миқдорий ва сифатий таркибини патогенлар тарафига силжиши қузатилмаганда, физиологик даражада микрофлорани доимийлигини ушлаб туришга қаратилган бўлиши лозим.

Асосий гуруҳларни микробиологик текшириш натижаларининг таҳлили кўрсатиши бўйича, назорат гуруҳи беморларида эркин даврда (15 кун) микрофлора таркибининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари кескин ўзгаришлари аниқланди. Бу, даволаш бошланишидан аввал аниқланган, ҳам

анаэроб, ҳамда факультатив анаэробларнинг бошланғич индиген штаммларининг аҳамиятли пасайиши, шунингдек уларнинг микдор кўрсаткичларининг камайиши билан ифодаланган.

Профилактик ва даволаш муолажалар жараёнида асосий гуруҳ беморларида ўрганилган барча микроорганизмлар билан зарарланиш даражаси кескин пасайганлиги кузатилган. Тўлиқ олинадиган пластинкали протезлар билан ортопедик даволашни мослашув даврида (15 кун) беморлар оғиз бўшлиғида Грамм (+) патоген стрептокок, стафилокок, кандида турдаги замбуруғлар ва УП бактериялари, ичак бактериялари назорат гуруҳи, ҳамда даволашдан олдин олинган кўрсаткичларга нисбатан ҳаққоний пасайганлиги ($P < 0,001$) аниқланди.

Ойлар ўтгандан кейин ўтказилган бактериологик текширув натижалари бўйича сўлак таркибида анаэроб, факультатив анаэроб ҳамда шартли патоген ва патоген бактерияларнинг индиген турлари штаммлари билан зарарланишни салбий томонга силжиши ва учраш частотасининг бошланғич кўрсаткичига яқинлашгани кузатилди.

Олинадиган тиш протезлари билан протезлагандан сўнг мослашув даврида «Fargals»ни патоген ва шартли патоген флорага танловчи таъсири, беморларни тиш протезларга мослашувига ижобий таъсир кўрсатди. Шунда узоқ умр кўрган 23 беморлардан 1 тасида (4,3%) *Candidasp* туркуми замбуруғлари этиологик сабабчи бўлган протезли стоматит аниқланди. 16-та (69,5%) беморда мослашув меъёрида кечиб 10-12 кунда кузатилган, 6та беморда (26,2%) эса тиш протезларига мослашуви 17-19 кунда кузатилди.

Шундай қилиб, биз томондан олинган маълумот натижалари бўйича, «Fargals» қўллашнинг белгиланган схемаларида (тадқиқотда таклиф қилингани каби) юқори бактериал самарасига қарамай уни фақатгина ривожланган протезли стоматитдагина қўлланилмай, балки маълум бир концентрацияларда кекса ёшдаги беморларда оғиз бўшлиғи микробли дисбалансини олдини олиш ҳамда резидент микрофлоранинг микдорий ва сифатий таркибини кераксиз силжишини олдини олишда қўллаш мумкин.

«Fargals»нинг антибактериал таъсири асосий гуруҳларда назорат гуруҳларига нисбатан юқори бўлиб, асосий гуруҳ шахсларида патоген ва шартли патоген микроорганизмларга бактерицид таъсир билан ажралиб турди ва протезли стоматитни кескин пасайиши кузатилди. Кўрсатиб ўтилган таъсирлар, қўллашнинг 30 – кунида меъёрий микрофлорани ўсишига қўмаклашди, бу эса ўз навбатида тўлиқ олинадиган тиш протезлари билан фойдаланувчи ёши катта, кекса ва узоқ умр кўрган беморлар оғиз бўшлиғида микробиоцинозни тиклаш имконини берди. Илмий ишнинг еттинчи боби “Тишларни тўлиқ йўқотган беморларни олинадиган протезлар билан протезлагандан сўнг натижалар ва ҳаёт сифатини баҳолашнинг таққосий таҳлили”га бағишланган бўлиб, таққослама гуруҳларда юқори ва пастки жағ атрофия даражаларини таққослашга бағишланган изланишлар келтирилган.

Текширишлар шуни кўрсатдики, 60 ёшгача бўлган асосий гуруҳдаги ва 60 ёшдан катта бўлган беморлар гуруҳида χ^2 мезони – 14,321; $df=4$; $P=0,006$ ташкил этган бўлиб, катта ёшдаги гуруҳда жағни атрофиясини ошиши, катта номутаносиблик билан альвеоляр ўсиқ ва альвеоляр дўнгликнинг атрофияси, каттиқ танглай гумбазининг қалинлашиши ва альвеоляр ўсиқ чўққиси транспозицияси билан кузатилади ва исботланган ҳолда, назорат гуруҳи билан солиштирма кўрсаткичлари сезиларли паст, III ва IV даражали атрофия, II даражали атрофиядан исботланган даражада паст.

Шундай қилиб, адентияли беморларни тўлиқ протезлаштиришни режалаштирилганда, етакчи омил бўлиб пастки жағ атрофияси бўлди, тиш олингандан сўнг биофаол шишани қўллаганда эса, атрофия даражаларини кескин пасайишига олиб келди. Келтирилган тадқиқотларни кўрсатиши бўйича, беморларни ёшига қараб атрофия даражаси жадаллашган, шунда тадқиқот гуруҳида протезлаш натижалари қониқарли бўлган.

Тадқиқот гуруҳ беморларида тўлиқ тишларни йўқотганда жағ атрофияси назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли кам бўлган ва тўлиқ олинадиган пластинкали тиш протезига бўлган адаптация ижобий кечган. Шунда, назорат гуруҳида I ва II даражадаги жағ атрофияси умуман 63,2% ва 21,9% (60 ёшгача ва 60 ёшдан катталарда мос равишда), III ва IV даражаларда 36,8% ва 78,1% (мос келувчи ёш гуруҳларида) учраган бўлса, асосий гуруҳларда I ва II даражадаги жағ атрофияси 74,4% ва 45,8% (60 ёшгача ва 60 ёшдан катталарда мос равишда), III ва IV даражаларда эса 36,6% ва 54,2% аналогик ёш гуруҳларида учраган (1 – расм).



1-расм. Таққослаш гуруҳларида тишларни тўлиқ йўқотган беморларни ёш кўрсаткичига мувофиқ жағ атрофияси даражаси бўйича тақсимланиши

Кейинги матнда, тишларни тўлиқ йўқотганда олинадиган протезларда ёшига боғлиқ ҳолда анъанавий ва биз томондан таклиф қилинган даволаш усуллари асоратлари ва натижаларининг таҳлили келтирилган. Кекса ёшдаги беморларда стоматологик касалликларни кечиш хусусияти носпецифик ва мавҳум намоеън бўлиши билан акс этади, бунда бемор ҳолатининг кескин ёмонлашгани ва мажбурий кейинги реабилитацияли асоратларнинг юқори фоизи билан ифодаланади.

Асоратларни камайтириш мақсадида, биз томондан таклиф қилинаётган даволашдаги комплекс ёндашув маҳаллий «Fargals» воситасини протезлашдан олдин ва мослашув даврида қўллашни, чайнов мушакларини миостимуляциясини, ҳамда биз томондан ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган, жағ суяклари атрофиясини камайтириш ва тўлиқ олинадиган пластинкали протезни сифатли фиксацияси учун муваффақиятли қўлланилган маҳаллий “Биофаол шиша” биоашъёни қўллашни ўз ичига олади.

Бунда, назорат гуруҳи беморларида тўлиқ олинадиган протезларга мослашувнинг йўқлиги 3,5%да учраган бўлса, асосий гуруҳда бу кўрсаткич 0,7%гача пасайган, юқори ва пастки жағлардаги тўлиқ олинадиган протезларга қониқарсиз турғунлик 9,6% ва 3,5% мос равишда. Маҳаллий даволаш муолажалари ўтказилиши натижасида протезли стоматитлар назорат гуруҳига 10,4% нисбий равишда 4,3%гача камайган. Протез ўрнатилгандан сўнг оғрик синдроми 4,3%да кузатилиб, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 8,7%га тенг эди. Умуман олганда, асоратларнинг йўқлиги асосий гуруҳда 84,4%да кузатилиб, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 60,9%га тенг эди.

Узоқ муддатли адентияни бемор ёшини ошиши билан биргаликда кечиши, чайнов мушаклари гипертонусини ривожланиши билан юқори биоэлектрик фаолликни шакилланишига сабаб бўлди ва уни коррекцияси учун биз томондан миостимуляция қўлланилди. Тадқиқотлар натижаларини кўрсатиши бўйича, комплекс даволашда миостимуляцияни ўтган асосий гуруҳ беморларида даволаш бошлангандан сўнг бир ойдан сўнг чайнов мушакларини максимал сиқилишини амплитудаси ҳаққоний ошган ва 204,7 мкВни ташкил қилган. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 155,4 мкВга тенг эди. Шу билан бир қаторда, биз томондан асосий гуруҳ беморларида бир ойдан сўнг чайнов мушаклари амплитудасини назорат гуруҳидан фарқли равишда ошгани ҳам кузатилди, лекин бирламчи маълумотлар деярли фарқ қилмади, 178,1 мкВ ва 136,7 мкВ мос равишда ташкил этди. Ўнг ва чап чакка мушаклари амплитуда кўрсаткичлари ўхшаш қонуниятни аниқлади – бир ой даврдан сўнг асосий гуруҳ беморларини максимал жипслашиш амплитудаси ва чайнаш амплитудаси ҳаққоний: 192,8±12,4 мкВ и 171,2±10,7мкВ назорат гуруҳига нисбатан 146,7±11,7мкВ и 134,7±9,8мкВ ошди.

Шундай қилиб, Миостим аппарати билан миостимуляцияни ижобий таъсири ўнг ҳамда чап чайнов ва чакка мушакларининг чайнаш ва максимал сиқилиш амплитудасни ортишида акс этади.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқич натижалари–тўлиқ олинадиган протезлашдан сўнг беморлар ҳаёт сифатини тахлили. ОНП – 14 – RU сўровномаси асосида ҳаёт сифати кўрсаткичини, ёшига нисбатан асосий ва назорат гуруҳи беморларини солиштирганда аниқландики, асосий гуруҳда қониқарсиз даража 40 – 59 ёшда ҳаққоний пасайган бўлиб, 0% назорат гуруҳидаги 5,3% га нисбатан, яхши даража ҳаққоний ошган 71,4% ва 57,9%га нисбатда (жадвал 3).

Жадвал 3

ОНП – 14 – RU сўровномаси асосида ҳаёт сифати кўрсаткичи бўйича беморларни тақсимланиши

Ёши	Асосий гуруҳ						Назорат гуруҳи					
	яхши даража		қониқарли даража		қониқарсиз даража		яхши даража		қониқарли даража		қониқарсиз даража	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
40-59 ёш	15	71,4%	6	28,6%	0	0,0%	11	57,9%	7	36,8%	1	5,3%
60-74 ёш	36	69,2%	15	28,8%	1	1,9%	20	46,5%	16	37,2%	7	16,3%
75-89 ёш	26	57,8%	18	40,0%	1	2,2%	11	29,7%	17	45,9%	9	24,3%
90 ёш ва ундан катта	11	47,8%	11	47,8%	1	4,3%	2	12,5%	9	56,3%	5	31,3%
Жами	88	62,4%	50	35,5%	3	2,1%	44	38,3%	49	42,6%	22	19,1%
60 ёш ва ундан катта беморларни солиштириш							Мезон = 26,299; df=3; P<0,001					

60–74 ёшдагиларни асосий гуруҳида яхши даража 69,2%, назорат гуруҳидаги 46,5% қарши, ҳамда қониқарсиз даража 1,9% назорат гуруҳида 16,3%га нисбатан. 75-89 ва 90 ёш ва ундан катталар гуруҳларида ўхшаш ҳолат кузатилган бўлиб: асосий гуруҳ беморларида яхши даража икки ва тўрт қарра мос равишда ортган бўлиб, қониқарсиз даража эса мос равишда ёш гуруҳларида ўн ва саккиз марта пасайган.

Узоқ муддатли адентияни бемор ёшини ошиши билан биргаликда кечиши, чайнов мушаклари гипертонусини ривожланиши билан юкори биоэлектрик фаолликни шакилланишига сабаб бўлади, бу эса 60 ёш ва ундан катта беморлар гуруҳларида ўтказилган электромиографик текшириш маълумотларига асосан функционал кўрсаткичларни ҳаққоний ($P<0,05$) фарқини акс этади. Биз томонимиздан таклиф қилинган тўлиқ адентияли беморларни ортопедик даволаш усули юкорида қайд этиб ўтилган барча кўрсаткичларни кескин яхшиланганини кўрсатди.

Илмий ишнинг саккизинчи боби “Олинадиган тиш протезли беморлар оғиз бўшлиғини тўсиқ – ҳимоя механизмларни яхшилаш”га бағишланган. “Элексир А” дезинфекцияловчи эритмани оғиз бўшлиғи шиллик қавати гигиеник ҳолати, тўсиқ-ҳимоя хусусиятларига таъсири, шунингдек тўлиқ олинадиган протезлардан узоқ муддат давомида фойдаланилганда протезлар ашёсининг тузилмавий–адгезив хусусиятларга бўлган таъсири натижалари келтирилган.

Оғиз бўшлиғи ва тўлиқ олинадиган протезларнинг клиник – стоматоскопик, микробиологик, иммунологик ва гигиеник кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида протезлашдан сўнг 10, 90, 180 ва 360 кунларда беморлар кўриқдан ўтказилди.

Оғиз бўшлиғининг кўриги стоматологик асбоблар ёрдамида стоматологик ускуна ёруғлигида ўтказилди. Визуал кўриқда оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолати, тошмалар, афта, эрозия, шиш, тилдаги карашнинг мавжудлиги, апоптоз, тил сўрғичларининг ҳолати инobatга олинди. Нохуш ҳислар, оғрикнинг мавжудлиги, оғиздан ҳид келиши ва бошқалар кузатилди.

“Элексир А” Биринчи ТошДавТИ ортопедик стоматология кафедраси ходимлари томонидан микробиология, иммунология ва вирусология кафедраси билан ҳамкорликда 2003 йилда Анолит электроактив эритма асосида ишлаб чиқилган.

Шу ҳолатни инobatга олган ҳолда, биз олдимизга баъзи микроорганизмларни алоҳида дезинфекцияловчи воситалар ва уларнинг бирикмаларига сезирлигини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Қўйилган мақсадни ҳал қилиш учун биз томондан турли воситалар тайёрланди: даволаш концентрациясида ЭВР – А, ментол, марганцовка, озика бўёғи, ЭВР – А + ментол, ЭВР – А + марганцовка, ЭВР – А + бўёқ + ментол. Уларда стерил қоғозли дисклар шимдирилган, сўнгра бу дисклар кундалик микрофлора: стафилококк, стрептококк, Candida авлоди замбуруғлари, протей ва эшерихиялар экилган Петри косачаларидаги озика агарларининг устига ётқизиблиб, 370⁰С ҳароратдаги термостатда бу экинмалар инкубация қилинган. Воситанинг фаоллиги агарда диффузия усули орқали аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, патоген стафилакокк культураси барча қўлланилган дезинфекция воситаларига сезувчан бўлиб, ЭВР – А + ментол таъсирига кам сезувчандир. Бунда, текширилган воситалар орасида энг кучли бактериостатик таъсири ЭВР, ЭВР + ментол, ментол ва ЭВР + бўёқлар кўрсатди. Таъкидлаш лозимки, сапрофит ва эпидермал стафилакокклар бу воситалар таъсирига кўпроқ резистент бўлиб, қўлланилган барча воситалар уларга ўрта даражадаги бактериостатик таъсир кўрсатган.

Стрептококк культурасига қўлланилган барча дезинфекцияловчи воситалар тенг даражадаги бактериостатик таъсир кўрсатган, аниқланган фарқлик ҳаққоний эмас.

Экспериментал гуруҳ хайвонларининг аъзо ва тўқималари ўрганилганда назорат гуруҳи аъзо ва тўқималарининг тузилишидан деярли фарқи аниқланмади, бу эса ўз навбатида текширилаётган воситанинг экспериментал хайвонларнинг аъзо ва тўқималарига токсик ёки аллергия таъсири йўқлиги тўғрисидаги хулосани бериш имкониятини беради.

Тўқималарнинг охириги бўлаклари ҳосил қилувчи гландулоцитлардан ташкил топган. Хужайра ядроси базал жойлашган, цитоплазма оч рангда, майда донатор. Баъзи хужайраларда хужайрани тўлиқ эгаллаб олган йирик вакуолалар аниқланган.

Жигарни текширганда ҳам экспериментал гуруҳ хайвонларида ҳеч қандай фарқли хусусиятлар аниқланмади. Назорат гуруҳи хайвонлари сингари жигар бўлакчали тузилмага эга, жигар хужайралари трабекулаларга жойлашган пластинкаларни шакиллантирган. Гепатоцитларнинг катта қисми биттадан ядрога эга, баъзилари – иккитадан, уларнинг цитоплазмаси майда донатор эди.

Синусоидлар якка хужайра элементларидан иборат бўлиб, йирик ядроли юлдузчали ретикулоэндотелиоцитлар билан қопланган. Нозик коллагенли асос марказий веналарнинг деворларидагина кузатилган.

Экспериментал гуруҳ хайвонларининг буйрак тўқимасини текширганда назорат гуруҳи тўқимаси структурасидан ҳеч қандай аҳамиятли фарқлик аниқланмади.

Буйрак таначалари юмалоқ шаклга эга, уларнинг алоҳида капилляр илмоқлари қонга тўла эди. Қийшайган каналчалар донатор цитоплазмали бўлиб, киприкли ҳошияси чегараси ноаниқ бўлган.

Кейинги босқичда “Элексир А”ни қўлловчи беморларда тўлиқ олинадиган протезлар юзасидаги юмшоқ караш морфотузилмаси текширилган. Специфик дискрет кўшилмалар тўпланиб қолганлиги кузатилган, улар детритли караш қолдиқлари ва турли микро-организмлардан иборат бўлган. Бу тўпланмалар юмшоқ карашни шакллантирган ва у протезларнинг силлиқ юзасида юмшоқ ҳолда жойлашган. Катта ҳажмда катталаштирилганда кўриниб турибдики, юмшоқ карашда кам миқдорда микрофлора мавжуд. Бактерия элементлари орасида юмшоқ караш ичига кирувчи ва ғадир-будур замбуруғлар ташкил қилувчи иплар мавжуд. Юмшоқ караш таркибида биз томондан *Candida* авлоди замбуруғлари спораларини шакилланиши кузатилмади, замбуруғ иплари орасида стрептококклар аниқланмади.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олиб хулоса қилиш мумкинки, “Элексир А” таъсир қилиш самараси натижаларини ўтказилган таҳлили кўрсатишича, эритмани доимий тарзда ишлатилган ҳолда юқори профилактик таъсир кўрсатади. Бу таъсир милк майдони бутунлигини сақлашга ва нормал фаолият юритишига, оғиз бўшлиғи гигиенаси, оғиз суюқлиги рН доимийлигини сақлашга қаратилган, шунингдек патоген микрофлорани ривожланишига тўсқинлик қилади, носпецефик иммунологик ҳимоя омилларини фаоллигини оширади, микробли

карашларни хосил бўлишига ва уларнинг жароҳатловчи таъсирига ноқулай шароит яратади ва шу билан бирга узоқ муддат давомида ортопедик протезларни қўлловчи шахслар оғиз бўшлиғи шиллик қавати тўсиқ – ҳимоя механизмларни нормал физиологик даражада сақлаб туриш учун қулай шароитлар яратилади.

Бизнинг тадқиқотларимиздан олинган “Элексир А”нинг оғиз бўшлиғи шиллик қаватини тўсиқ – ҳимоя механизмларини сақлашга қаратилган юқори профилактик самараси, уни клиник ортопедик амалиётга, оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳамда тўлиқ олинадиган тиш протезлари юзалари жароҳатларини, уларни узоқ муддат давомида қўллаганда, олдини олиш воситаси сифатида қўллашни тавсия этиш учун асос бўлади.

ХУЛОСА

1. Қоникарсиз натижаларни ривожланиши ҳавф омилларининг таҳлили бўйича, тўлиқ адентияда тўлиқ олинадиган протезлаш самарадорлигининг патогномотик аҳамияти биргаликда кузатиладиган жағ атрофияси, оғиз бўшлиғи носпецифик ҳимоя омиллари ва микрофлорасининг бузилиши, чайнов аппарати ҳолати, шунингдек мослашувдан кейинги даврни кечишидаги стоматоскопик ва гигиеник хусусиятлар аҳамиятга эгадир.

2. Аънанавий тўлиқ олинадиган протезлашнинг қоникарсиз анатомик – функционал натижаларининг ривожланиш ҳавфи 19,1%ни ташкил қилади, шунда уларнинг энг кам учраш частотаси 59 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида 5,3% кузатилган, ўз навбатида катта ёш гуруҳларида даволашнинг қоникарсиз кечиш улушининг пропорционал тарзда ортиши аниқланди: 60-74 ёшдаги беморлар орасида – 16,3%, 75-89 ёшдагилар гуруҳида – 24,3%, узоқ умр кўраётганлар гуруҳида – 31,3%.

3. Тўлиқ адентияли беморлар оғиз бўшлиғи микробиоциноз таҳлили кўрсатишича, ёш ортиши билан носпецифик ҳимоя факторлари кўрсаткичи ҳамда микрофлора таркибининг сифатий ва миқдорий таркибининг ҳаққоний ($P<0,05$) бузилиши кузатилади, бу эса ўз навбатида тўлиқ олинадиган протезлашнинг яллиғланиш – деструктив асоратлари ривожланиш ҳавфини ортишига сабаб бўлади.

4. Адентиянинг узоқ муддат давомида кечиши бемор ёши ортиши билан кузатилганда чайнов мушаклари гипертонусини ривожланиши билан юқори биоэлектрик фаолликни шакилланишига кўмаклашади, бу 60 ёш ва ундан катта бўлган беморлар гуруҳларида ўтказилган электромиографик текширувлар натижалари бўйича функционал тавсифномаларнинг ҳаққоний ($P<0,05$) фарқини акс этади.

5. Суяк тўқимаси нуқсонини остеопластик ашъё “Биофаол шиша” билан тўлдириш бўйича ишлаб чиқилган услуб, яллиғланишни ривожланиш ҳавфини камайтириши, ҳамда тиш катакчаларидаги суяк нуқсонларини тўлақонли қопланиши ва репаратив жараёнлар шароитини яхшиланиши

хисобидан жағ атрофиясини рефракциядан сўнгги шакилланиш имкониятини беради.

6. Экспериментал – клиник тадқиқотлар давомида тиш олингандан кейин катакча имплантациясида маҳаллий остеопластик ашъё “Биофаол шиша”нинг биомос келиши ва биофаоллиги исботланди. У тиш тўқимаси 95%гача ўсишини ва минералловчи суяк структурасини имплантацияловчи субстракт юзаси билан бевосита алоқа соҳаларини ҳосил бўлиши ҳисобига унинг зичлигини таъминлайди.

7. Тўлиқ олинадиган тиш протезлаш натижаларини яхшилаш мақсадида даволаш – профилактика муолажаларининг комплекси фақатгина жағнинг анатомик кўрсаткичларига эмас, балки ўз ичига оғиз бўшлиғи микробиоциноз бузилишлари ва чайнов мушаклари функционаллигини коррекция қилиш имконияти, ҳамда адаптациядан сўнгги даврни кечишини яхшилаш бўйича тадбирларга ҳам асосланиши лозим.

8. Адаптация даврида тўлиқ олинадиган протезлашни яқин натижаларини таққосий таҳлилига асосан, таклиф қилинган даволаш – профилактик муолажа комплекси қўлланилганда анатомик – функционал асоратлар частотаси тўлиқ адентияли 60 ёш ва ундан катта бўлган беморлар гуруҳида 50%дан 19,2%га, 60 ёшдан кичик бўлганлар гуруҳида эса 26,3%дан 19,2%га пасайган.

9. Тўлиқ олинадиган протезлашда даволаш – профилактик муолажалар комплексида маҳаллий антисептик “Элексир А” эритмасини киритиш натижасида алаптациядан кейинги даврда оғиз бўшлиғи ҳамда тиш протезларини микрофлораси ҳолати ва носпецифик химоя факторлари (секретор IgA, лизоцим фаоллиги ва нейтрофил лейкоцитларнинг фагоцитар фаоллиги) ҳолатини яхшилаш имконияти яратилди.

10. Тўлиқ адентияни даволаш юзасидан таклиф қилинган комплекс ёндашувни қўллаш тўлиқ олинадиган протезлашни яқин ва узок натижаларини яхшилашга ва ҳаёт сифати даражаси кўрсаткичини 80,9% дан 97,9% гача ($P < 0,001$) ортиш имкониятини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.01 при ТАШКЕНТСКОЙ
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АКБАРОВ АВЗАЛ НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ЗУБО-
ЧЕЛЮСТНОЙ СИСТЕМЕ ПРИ ПОЛНОМ ОТСУТСТВИИ ЗУБОВ,
ОПТИМИЗАЦИЯ ОРТОПЕДИЧЕСКОЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЙ
ПОМОЩИ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2017

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.DSc/Tib 140

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант	Ирсалиев Хусниддин Ибрагимович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Но Кеун Кwon доктор медицинских наук, профессор Амануллаев Рустам Азимжонович доктор медицинских наук, профессор Гулямов Суръат Саидвалиевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация	Брюссельский открытый Университет (Бельгия)

Защита состоится «__» _____ 2017 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.30.01 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 2. Тел.: (+99871) 150-78-01; факс: (+99871) 150-78-02; e-mail: tta2005@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирован за №____). Адрес: 100115, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, дом 2. Тел.: (+99871) 150-78-01; факс: (+99871) 150-78-02

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2017 года.

(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2017 года).

Ш.И. Каримов

Председатель научного совета по присуждению
учённых степеней, заслуженный деятель науки РУз,
академик АН РУз и РАН,
доктор медицинских наук, профессор

Р.Д. Суннатов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учённых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

Х.П. Камилов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учённых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В соответствии с данными Всемирной Организации Здравоохранения, «распространенность потери зубов у взрослых людей в возрасте до 65 лет и старше составляет от 30 до 70%»¹. С улучшением условий и качества жизни, «по всему миру отмечается «старение» населения, соответственно вопросы геронтологии из разряда медицинской перешли в проблему общегосударственного значения»². Одновременно наблюдается рост числа лиц старшей возрастной группы не только с соматической патологией, но и различными видами адентии зубных рядов. На этом фоне «реабилитация пациентов с полным отсутствием зубов, остается одной из наиболее сложных проблем ортопедической стоматологии»³, которая в силу своей сложности, ряду объективных и субъективных причин, представляет особую сложность ортопедического восстановительного лечения пациентов.

За годы независимости в нашей стране принимаются масштабные целевые меры, по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению медицинской помощи, особенно по охране материнства и детства и среди лиц пожилого возраста. В результате проведенных мероприятий, в том числе, достигнуты положительные, высокие результаты в оказании стоматологической помощи лицам пожилого возраста. Несмотря на проводимые целевые меры в системе здравоохранения на сегодняшний день, в том числе по стоматологии имеются ряд задач ожидающих своего решения. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 — 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи пенсионерам, инвалидам, одиноким престарелым и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности⁴. В соответствии с этим изучение клинико-функциональных изменений в зубо-челюстной системе при полном отсутствии зубов и

¹World Health Organization. Adentia: fact sheet no.18. World Health Organization website. 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs42/eng>, accessed March 12.

² Krechina EK, Gvetadze RSh, Khar'kova AA, Petrenko AV. Microcirculation status in supporting tissues in cases of prosthetic treatment of mandible in patients with full secondary adentia with the use of implants. // Stomatologiya. 2010; 89(5):63-5.

³ Kraveishvili S, Shonia N, Sakvarelidze Z, Sakvarelidze N. Prevalence and intensity of dentition defects and secondary deformations in the population of 15-40 age group. // Georgian Med News. 2014 Jul-Aug;(232-233):38-42.

⁴ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

оптимизация ортопедической стоматологической помощи является одним из актуальных направлений для исследования.

На мировом уровне развитие современной стоматологии, как и медицины в целом, напрямую зависит от стремления улучшить качество жизни пациентов. Важной задачей является изучение факторов риска развития неудовлетворительных результатов лечения полной адентии с использованием полного съемного протезирования. На сегодняшний день наиболее актуальными остаются вопросы разработки новых методик замещения дефекта костной ткани для профилактики развития атрофии челюсти при полной адентии с применением различных остеопластических материалов. В том числе, немаловажным остаются вопросы разработки комплекса лечебно-профилактических мероприятий для улучшения результатов полного съемного зубного протезирования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» за № ПП-1652 от 28 ноября 2011 года, «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹. Научные исследования, направленные на улучшение результатов полного съемного зубного протезирования у больных с адентией, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе Psychosomatic Dentistry Clinic, Dental Hospital, Tokyo Medical

¹ Обзор международных научных исследований проведен с использованием следующих источников: Takenoshita M, Miura A, Shinohara Y, Mikuzuki R, Sugawara S, Tu TTH, Kawasaki K, Kyuragi T, Umezaki Y, Toyofuku A. Clinical features of atypical odontalgia; three cases and literature reviews // Biopsychosoc Med. 2017 Aug 3;11:21; Silva DNM, Couto EAB, Becker HMG, Bicalho MAC. Orofacial characteristics of functionally independent elders. // Cotas. 2017 Jul 20;29(4):e20160240; Gualini F, Salina S, Rigotti F, Mazzarini C, Longhin D, Grigoletto M, Trullenque-Eriksson A, Sbricoli L, Esposito M. Subcrestal placement of dental implants with an internal conical connection of 0.5 mm versus 1.5 mm: Outcome of a multicenter randomised controlled trial 1 year after loading. // Eur J Oral Implantol. 2017;10(1):73-82; Mangano C, Shibli JA, Pires JT, Luongo G, Piatelli A, Iezzi G. Early Bone Formation around Immediately Loaded Transitional Implants Inserted in the Human Posterior Maxilla: The Effects of Fixture Design and Surface. // Biomed Res Int. 2017;2017:4152506; Wang C, Jia XT, Hu WJ, Zhen M, Zhang H. Long-term treatment outcome and influencing factors of teeth receiving modified crown lengthening. // Zhonghua Kou Qiang Yi Xue Za Zhi. 2017 Mar 9;52(3):182-187; Elsyad MA, Mahanna FF, Elshahat MA, Elshoukoui AH. Locators versus magnetic attachment effect on peri-implant tissue health of immediate loaded two implants retaining a mandibular overdenture: a 1-year randomised trial. // J Oral Rehabil. 2016 Apr;43(4):297-305; Грачев Д.И. Повышение эффективности ортопедического лечения и качества жизни больных с полным отсутствием зубов на нижней челюсти // Стоматолог. 2011. № 3. С. 15-17;

and Dental University (Tokyo, Japan); Universidade Federal de Minas Gerais - UFMG (Belo Horizonte, Brasil); Department of Dental Sciences, Vita Salute S. Raffaele University (Milan, Italy); Department of Periodontology and Oral Implantology, Dental Research Division, Guarulhos University (Guarulhos, Brazil); Department of Prosthodontics, Peking University School and Hospital of Stomatology & National Engineering Laboratory for Digital and Material Technology of Stomatology & Beijing Key Laboratory of Digital Stomatology (Beijing, China); Oral Medicine and Periodontology, Faculty of Dentistry, Mansoura University, (Mansoura, Egypt); ФГБУ «Центральный научно-исследовательский институт стоматологии и челюстно-лицевой хирургии» Министерства здравоохранения Российской Федерации (Москва, Россия), в Ташкентском государственном стоматологическом институте (Ташкент, Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мире, по улучшению результатов полного съемного зубного протезирования у больных с адентией получен ряд научных результатов: определено, что «у пациентов с беззубой челюстью при значительной атрофии альвеолярного отростка верхней и альвеолярной части нижней челюсти в пожилом и старческом возрасте, вследствие дефицита необходимой костной ткани, успехи практической стоматологии менее значительные»¹ (Department of Post Graduation-Universidade do Sagrado Coração (USC), Bauru †Department of Oral Surgery, University São Leopoldo Mandic, Campinas, Brazil); доказано, что «при полной адентии патогенетическим базисом профилактики и метафилактики прогрессирующей атрофии, остеопороза челюстей и предупреждения изменений анатомо-топографических пропорций челюстно-лицевой области, является адекватная функциональная нагрузка на костную ткань»² (UOC Maxillofacial Surgery, Catholic University Medical School, Rome †Maxillofacial Surgery Unit, Blocco Centrale, Orthognathic and Malformation Surgery, Casa di Cura Ospedaliera San Michele, Maddaloni, Italy). Определено, что «при полной потере зубов, вследствие отсутствия давления на подлежащие ткани, усугубляются функциональные нарушения, атрофия лицевого скелета и покрывающих его мягких тканей»³. (Department of Dental Sciences, Duke University Medical Center, Durham, USA).

В настоящий период в мире проводятся исследования по улучшению результатов полного съемного зубного протезирования, в том числе:

¹ Dos Santos PL, Silva GH, Da Silva Pereira FR, da Silva RD, Campos ML, Mattos TB, Gulinelli JL. Zygomatic Implant Subjected to Immediate Loading for Atrophic Maxilla Rehabilitation. // *J Craniofac Surg*. 2016 Nov;27(8):e734-e737.

² Gasparini G1, Boniello R, Lafori A, De Angelis P, Del Deo V, Moro A, Saponaro G, Pelo S. Navigation System Approach in Zygomatic Implant Technique. // *J Craniofac Surg*. 2017 Jan;28(1):250-251.

³ Hegazy S, Elmekawy N, Emera RM. Peri-implant Outcomes with Laser vsNanosurface Treatment of Early Loaded Implant-Retaining Mandibular Overdentures. // *Int J Oral Maxillofac Implants*. 2016 Mar-Apr;31(2):424-30.

